

Фуқароларни Ҳаж ва Умра зиёратларига боришларини ҳисобга олиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари,
Вазирлар Кенгаши ҳузуридаги “Ҳаж” ва “Умра” тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича Ҳайъат раиси

_____ М.Алеуов

2013 йил “__” апрель

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг мажлиси

Б А Ё Н И

2013 йил 12 апрель

Нукус ш.

Раислик қилди: М.Алеуов - Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари

Қатнашдилар: Ҳайъати аъзолари, шаҳар ва туманлар ҳокимларининг иқтисодиёт ва ижтимоий масалалар бўйича ўринбосарлари

КУН ТАРТИБИ:

Фуқароларни Ҳаж ва Умра зиёратларига боришларини ҳисобга олиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

(М.Алеуов, Н.Жамалов, Ш.Бауатдинов, К.Елмуратов, Ж.Муятдинов ва бошқалар)

Қорақалпоғистон Республикаси бўйича Ҳаж зиёратига бориш учун ариза берган фуқаролар сони 2013 йилнинг март ойи ҳолатига кўра 420 нафарни, Умра зиёрати бўйича тушган аризалар эса 25 тани ташкил қилаётганлиги ҳамда навбатда турганларнинг кўпчилиги ёши улғуф отахон ва онахонлар эканлиги таъкидланди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитасининг 2013 йил 1 мартдаги 519-сонли ёзишмаси билан йўлланган “Ҳар йилги “Ҳаж” ва “Умра” тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби” бўйича тушунтириш берилди.

Билдирилган таклиф ва мулоҳазаларни инобатга олиб мажлис

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитасининг 2013 йил 1 мартдаги 519-сонли хати билан йўлланган “Ҳар йилги “Ҳаж” ва “Умра” тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби” раҳбарликка олинсин ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳузурида "Ҳаж" ва "Умра" тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича Ҳайъат таркиби

1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Фуқароларнинг ҳаж ва умра зиёратига бориш учун аризаси уларнинг доимий яшаш жойлари бўйича шаҳар ва туманларда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан йил давомида қабул қилиниб, навбатга қўйилиши белгилаб қўйилсин.

4. Шаҳар ва туманлар ҳокимликлари:

- **бир ҳафта муддатда** ҳокимнинг ижтимоий – иқтисодий масалалар бўйича ўринбосари раҳбарлигида таркибига манфаатдор давлат, жамоат ва диний ташкилотларнинг вакиллари киритилган ҳолда, шаҳар ва туман ҳокимликлари ҳузурида "Ҳаж" ва "Умра" масалалари бўйича ишчи гуруҳ тузсин;

- **Ишчи гуруҳнинг вазифалари қилиб қўйидагилар белгилансин:**

*. Фуқароларни рўйхатга олиш учун фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини (шаҳарча ва қишлоқ фуқаролар йиғинларини) туман/шаҳар ҳокимлигида рўйхатдан ўтказилган, варақлари рақамланган, шнурланган, махсус (2 та ҳаж ва умра учун алоҳида) журналлар билан таъминлаш (журнал бетлари **2-иловага** асосан);

*. Фуқароларнинг "Ҳаж" ёки "Умра" зиёратига бориш бўйича аризалари (ариза шакли **3-иловага** мувофиқ)ни алоҳида назоратини олиб бориш ҳамда аризани қабул қилиб олгандан сўнг аризачига **4-иловада** кўрсатилган шаклдаги маълумотнома берилишини таъминлаш;

*. Маҳалла фуқаролар йиғинларидан тартиб билан квотада белгиланган миқдордаги зиёратчилар рўйхатини, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари раҳбарларининг имзоси ва муҳр билан тасдиқлаган ҳолда қабул қилиш;

*. Рўйхатга киритилган фуқаролардан ҳисобда турган тиббий муассасаларидан саломатлиги зиёратга бориш учун яроқли экани ҳақидаги маълумотномани ва рангли фотосуратларини қабул қилиб олиш ҳамда улар билан суҳбат ўтказиб, туман/шаҳар рўйхатини тайёрлаш;

*. Ўзини ўзи бошқариш органлари тақдим этган номзодни туман/шаҳар рўйхатига киритмаслик ҳақида қарор фақат коллегиал қабул қилиниши ва ишчи гуруҳнинг тегишли мажлис баённомасини тузиш;

*. Берилган квота ва аризалар билан ўтказилган суҳбат хулосалари асосида зиёратчиларнинг рўйхатини икки нусхада тайёрлаб, туман/шаҳар ҳокимининг ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича ўринбосари имзоси ва муҳр билан тасдиқлаб, биринчи нусхасини Вазирлар Кенгаши ҳузуридаги Ҳайъатга тақдим қилиш ҳамда рўйхатнинг иккинчи нусхасини туман/шаҳар ҳокимлигида қолдириш;

*. Ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитасининг 2013 йил 1 мартдаги 519-сонли хати билан йўлланган "Ҳар йилги "Ҳаж" ва "Умра" тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби" асосида ташкиллаштириш.

5. Қорақалпоғистон Мусулмонлари қозийети (Ш.Бауатдинов):

- **жорий йилнинг 15 апрель кунидан** қозийёт томонидан юритилаётган "Ҳаж" ва "Умра" зиёратларига бориш бўйича фуқароларнинг аризаларини ҳисобга олиш журналларига рўйхатга олиш тўхтатилсин ҳамда қозийёт муҳри ва имзоси билан журнал ёпилсин, марказлашган ҳолда 5 (беш) йил муддатга сақлаш учун олиб қўйилсин;

- **бир ҳафта муддатда** мазкур журналлардаги "Ҳаж" ва "Умра" зиёратларига бориш бўйича фуқароларнинг рўйхатлари нусхалари олиниб, шунингдек, рўйхатда турган фуқароларнинг аризаларини шаҳар, туманлар ҳокимликлари ҳузуридаги ташкил этилган ишчи гуруҳларига далолатнома тузилиб тақдим этилсин.

6. Шаҳар ва туман ҳокимликлари ҳузуридаги "Ҳаж" ва "Умра" масалалари бўйича ишчи гуруҳларига:

- **10 кун муддатда Қорақалпоғистон Мусулмонлари қозийети** билан биргаликда "Ҳаж" ва "Умра" зиёратларига бориш бўйича рўйхатда турган фуқароларнинг аризаларини ўзлари яшайдиган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига далолатнома тузилиб тақдим этиш;

- қозийёт томонидан юритилаётган "Ҳаж" ва "Умра" зиёратларига бориш бўйича фуқароларнинг аризаларини ҳисобга олиш журналларидаги рўйхат навбати тартибидан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида янги ташкил этилган журналга киритишни таъминлаш;

- олдин ҳисобга олинган аризалар рўйхатдан ўтказилгандан кейин, янги аризаларини рўйхат тартиб рақами билан ҳисобини юритиш;

- ўз фаолиятида Ўзбекистон мусулмонлари идораси уламолари кенгашининг "Муборак Ҳаж ибодатини адо этиш билан боғлиқ масалалар тўғрисида"ги Фатвоси шарҳи (5-илова)га алоҳида эътибор бериш;

- фуқароларни "Ҳаж" ва "Умра" зиёратларига юбориш масалаларида "Маҳалла" жамоат фонди ва "Нуроний" жамғармаси, фуқаролар йиғинлари билан ҳамкорликни таъминлаш, бу билан маҳалладаги обрўли-эътиборли ҳамда эл учун, юрт учун хизмати синган фуқароларни ушбу зиёратларга боришига эриштириш;

- зиёратга бориб келган фуқароларнинг кейинги фаолияти давомида уларни ёшларни таълим – тарбияси, маҳаллада ўтказиладиган маънавий-маърифий тадбирларга ҳамда турли ишчи гуруҳларга кенг жалб этиш амалиётини жорий этиш ва бу билан зиёратга

борувчиларнинг масъулиятини янада оширишга эришиш;

- мазкур йўналишда жойларда кенг тушунтириш ишларини олиб бориш вазифалари юклатилсин.

7. Вазирлар Кенгаши ҳузуридаги "Ҳаж" ва "Умра" тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича Ҳайъатга:

- туман/шаҳар ҳокимликларидан олинган рўйхатлар асосида фуқароларнинг рўйхатини умумлаштириб, зиёратчиларнинг паспортлари амал қилиш муддати, чиқиш визаси борлигини текшириш, уларни тиббий кўриқдан ўтказиш, сафар юзасидан машғулотлар уюштириш ва бошқа ташкилий ишларни амалга ошириш;

- Ҳаж ва умра тадбирлари доирасидаги тайёргарлик ишларини йил давомида изчиллик билан амалга ошириш, зиёратчиларни тиббий кўриқдан ўтказиш ва эмлаш, сафар тўловларини йиғиб олиш, зиёратчиларга жойларда хизмат кўрсатувчи муассасалар билан шартномалар тузиш ва сафарга кетаётган фуқароларни кузатиш ва кутиб олиш ишларини ташкил этиш вазифалари юклатилсин.

8. Қорақалпоғистон Телерадиокомпанияси, Матбуот ва ахборот агентлиги ва республика газеталари таҳририятларига Ҳаж ва Умра зиёратларига юбориш масалаларига доир кўрсатув ва мақолаларни бериб, ушбу зиёратга бориш тартибини кенг омма ўртасида тушунтириш ишларини олиб бориш тавсия этилсин.

9. Мазкур йиғилиш баёни қарорларнинг бажарилишини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Вазирлар Кенгаши ҳузуридаги “Ҳаж” ва “Умра” тadbирларини

ташкил этиш ва ўтказиш Ҳайъат

ТАРКИБИ

1. М.Алеуов - Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари, Ҳайъат раиси
2. Н.Жамалов - Вазирлар Кенгаши Ишлар бошқармасининг Дин ишлари бўйича референти, Ҳайъат ўринбосари
3. Ш.Баўатдинов - Қорақалпоғистон Муслмонлари қозийети қозиси, Ҳайъат аъзоси
4. З.Ибрагимова - Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси, Ҳайъат аъзоси
5. Ш.Аюбов - Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазири ўринбосари, Ҳайъат аъзоси
6. Д.Ходжиев - Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири, Ҳайъат аъзоси
7. К.Елмуратов - “Маҳалла” хайрия жамоат фонди ҚР бўлими раиси, Ҳайъат аъзоси
8. Ш.Уснатдинов - “Нуроний” жамғармаси Қорақалпоғистон Республикаси бўлими раиси, Ҳайъат аъзоси
9. Б.Алланиязов - Марказий банкнинг Қорақалпоғистон Республикаси Бош бошқармаси бошлиғи, Ҳайъат аъзоси
10. Ғ.Раджапов - Нукус халқаро аэропорти директори, Ҳайъат аъзоси
11. С.Тлеуов - “Ўзавтодарётранс” агентлиги Қорақалпоғистон Республикаси бўлими бошлиғи, Ҳайъат аъзоси
12. Қ.Нағметов - Қорақалпоғистон Телерадиокомпанияси директори в.б., Ҳайъат аъзоси
13. А.Ережепов - Нукус Муҳаммад ибн-Аҳмад ал-Беруний номидаги ўрта махсус ислом билим юрти мудири ўринбосари, Ҳайъат котиби
14. Шаҳар ва туманлар ҳокимларининг иқтисодиёт ва ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосарлари

Изоҳ: Ҳайъат аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда унинг ўрнига шу лавозимдаги масъул ходимлар киритилади.

Вазирлар Кенгашининг

2013 йил “__” апрелдаги _____-сонли баёнига

3-илова

Фуқаролар йиғини раисига

_____ тумани,

_____ манзилда яшовчи

_____ томонидан

АРИЗА

Бераман ушбу аризани шу ҳақдаким, Мени 20__ йилда _____ зиёратига борувчилар рўйхатига киритишингизни сўрайман.

Сафар билан боғлиқ барча харажатларни тўлашни ўз зиммамга оламан.

_____ зиёратини адо этиш билан боғлиқ тартиб-қоидалар ҳамда Саудия Арабистони Подшоҳлиги қонунларига тўлиқ риоя қилиш масъулиятидан хабардорман.

Аризамга қуйидаги маълумотларни илова қиламан:

1. Паспортимнинг 2, 3 ва 8 саҳифалари нусхаси;
2. 45 ёшгача бўлган аёллар учун ҳамроҳининг маҳрам эканлигини тасдиқловчи ҳужжатдан нусха.

Оилавий аҳволим: _____

Иш жойим ва лавозимим: _____

Маҳрамим (аёллар учун): _____

Унинг қориндошлик даражаси _____

Яшаш жойим ва телефоним: _____

20__ йил «__» _____ / _____ / _____

имзоси

Ф.И.О

Вазирлар Кенгашининг

2013 йил “__” апрелдаги _____ -сонли баёнига

4-илова

МАЪЛУМОТНОМА

Берилди ушбу маълумотнома шу ҳақдаки, Қорақалпоғистон Республикаси

_____ тумани (шаҳри) _____ овул (маҳалла)

фуқаролар йиғини, шу маҳаллада _____ кўча _____ уйда

истиқомат қилувчи фуқаро _____

_____ 20__ йил _____ да ҳаж (умра)га борувчилар рўйхатига

_____ тартиб рақами билан рўйхатга олинди.

Маҳалла оқсоқоллар кенгаши

Исми шарифи имзо

М.Ў.

Вазирлар Кенгашининг

2013 йил “__” апрелдаги _____-сонли баёнига

5-илова

Янги фатво шарҳи

ЎЗБЕКИСТОН МУСУЛМОНЛАРИ ИДОРАСИ УЛАМОЛАР КЕНГАШИНИНГ МУБОРАК ҲАЖ ИБОДАТИНИ АДО ЭТИШ БИЛАН БОҒЛИҚ
МАСАЛАЛАР ТЎҒРИСИДАГИ
ФАТВОСИ ШАРҲИ.

Қўشقўш Қўشقўш Қўشقўш Қўشقўш
Қўشقўш Қўشقўш Қўشقўш Қўشقўш Қўشقўш Қўشقўш Қўشقўш Қўشقўш

Маълумки, ҳаж амали Ислом арконларидан бири бўлиб, у маълум шартларга эга бўлган мўмин-муслмон киши учун умрида бир марта адо этиши фарз бўлган ибодатдир. Қуръони каримда ҳажнинг фарзлигига қуйидаги оят далолат қилади:

... ﴿فَصَلِّ لِرَبِّكَ حَاجًّا وَمُنِئَظًا ۖ وَرَبِّكَ أَكْبَرُ﴾ (Қуръон, Ҳаж, 27-оят)

яъни: “Йўлга қодир бўлган киши зиммасида Аллоҳ учун Байтни ҳаж қилиш (фарзи) бордир” (Оли Имрон сураси, 97-оят).

Фикҳий китобларда баён қилинишича, банданинг зиммасига ҳаж ибодати фарз бўлиши учун унда бир нечта шартлар топилиши лозим бўлади. Улар қуйидаги шартлардир: Аввало, муслмон бўлиш, балоғат ёшида бўлиш, оқил бўлиш, тани соғ бўлиши, бориб келгунча йўл харажатларига етадиган маблағга эга бўлиш. Шу билан бирга ҳажга бориб келгунига қадар оила аҳлини уларнинг эҳтиёжларига етадиган нафақа билан таъминлаган бўлиши керак.

Шунингдек, йўлнинг очиқ ва хавф хатарсиз бўлиши ҳам ҳажнинг фарз бўлиш шартларидандир. Аёл кишига эса, юқоридаги шартлари билан бирга эри ёки бирорта маҳрами ҳамроҳ бўлиши шарт қилинади.

Агар кишида мазкур шартлардан бирортаси топилмаса, у ҳолда унга ҳаж ибодатини адо этиш фарз бўлмайди, балки зиммасидан соқит бўлади.

Ҳаж ибодати Ислом арконларининг бешинчиси, яъни энг сўнгиси бўлиши ва уни умр давомида фақат бир марта адо этиш фарз эканлиги бежиз эмас, албатта.

Чунки, ҳаж амалларини бажаришдан олдин инсон унгача бўлган арконларни мукамал тарзда адо этиб келаётган бўлиши, ўзида хожи бўлишдек улғу мартабага муносиб бўлган мустақкам имон-этиқод, гўзал хулқу одоб, энг юксак фазилят бўлмиш тақвони ҳосил қилган бўлиши лозим. Бу ҳақда Қуръони каримда:

﴿فَاصْبِرْ لِحُكْمِ رَبِّكَ ۚ إِنَّكَ أَهْلٌ بِالنَّظَرِ﴾ (Қуръон, Ҳаж, 27-оят)

яъни: “Ҳаж (мавсуми) маълум ойларида. Бас, ким шу ойларида ҳажни ўзига фарз қилса (ҳажни ниёт қилса), ҳаж давомида хотинига яқинлашиш, гуноҳ-маъсият ва жанжал қилиш йўқ. Ҳар қандай яхши (савобли) иш қилсангиз, албатта, уни Аллоҳ билур. (Ҳаж сафарига) озуқа олиб чиқинг. Энг яхши озуқа тақводир. Тақвони Менга қилингиз (Мендан кўрқингиз), эй, оқиллар!” – деб марҳамат қилинган (“Бақара” сураси, 197-оят). Демак, ҳажни ниёт қилган киши катта-ю кичик гуноҳларни қилишдан, бирор жонзотга озор беришдан, хусусан, одамлар билан жанжаллашишдан доимо ўзини сақлаши лозим.

Албатта, булар ҳажнинг мақбул бўлиш шартлари ҳисобланади.

Аллоҳга беадад шукрлар бўлсинки, юртимиз истиклол неъматига мушарраф бўлгач, динимизга ҳам кенг йўл очилиб, мўмин-муслмонларимиз Ислом динининг бешта арконини бемалол адо этиш имкониятига эга бўлдилар. Хусусан, ихлосманд халқимизнинг ҳаж ибодатини адо этишга бўлган иштиёқи йил сайин ортиб бормоқда.

Аммо, шуни яхши англаб олмоғимиз лозимки, ҳажга бориш учун фақат моддий имкониятга эга бўлишнинг ўзи кифоя қилмайди. Яъни пул топиб ҳажга бораверса-ю, маънавий томондан ҳажнинг нақадар улғу ибодат эканлигини тушуниб етмаса, қавму қариндошга силаи раҳм, фақир ва муҳтожларга, етим-есирларга хайру эҳсон қилишни унутса, ҳаждан келгандан кейин эса, ҳожилик номига доғ тушурадиган ишлар билан машғул бўлса ҳаж ибодатининг қадрини ерга урган бўлади.

Кейинги пайтларда ҳажнинг улғу ибодат эканлигини, унинг ҳақиқий мазмун-моҳиятини идрок қилмай, ҳавас учун ҳаж сафарига бораётган кишилар орамизда учраб қолмоқда. Ҳажнинг машаққатли сафар эканлигини олдиндан тўғри англамаган ҳолда, соғлиги узоқ ва муттасил ҳаракат қилишга ярамадлиги ҳақидаги берилган махсус тиббий хулосага парво қилмай ҳаж сафарига чиққан кишиларнинг аксарияти ҳаж машаққатига бардош бера олмай бемор бўлиб қолаётгани сир эмас.

Фуқароларимиз ичида эл-юрт орасида ҳожилик номини олиш, обрў эътиборга эришиш мақсадидагина ҳажга бораётганлар ҳам афсуски, учраб турибди. Ҳажни оддий саёҳатдек билиб, кўнгилхушлик учун, одамларга кўз-кўз қилиш мақсадида қайта-қайта боришга одатланаётганлар ҳам бор.

Уламоларимиз ҳажнинг тартиб-қоидаларини баён қилар эканлар, киши ҳажга боришга қодир бўлса-да, аммо баъзи ҳолатларда ҳажга бориши мақруҳ бўлишини ҳам айтиб ўтганлар. Жумладан, Ҳанафий мазҳабига оид “Фатҳул-Қадир” китобида баён қилинишича: Агар ота ёки она фарзанднинг хизматига муҳтож бўлсалар, фарзанд уларнинг хизматини ташлаб ҳажга бориши мақруҳдир, дейилган (2-жуз, 319-бет). Шунингдек, фақат тижорат мақсадида, риё учун, манманлик тарзида қилинган ҳажнинг савоби бўлмайди. Чунки, Пайғамбаримиз (сав): “Амаллар ниётга қараб баҳоланади” – деб марҳамат қилганлар.

Имом Аъзам (рх.) ва у зотнинг шогирдлари Имом Муҳаммад (рх.): барча шарт-шароитлари топилиб, зиммасига ҳаж фарз бўлган киши ҳаж қилишни кейинги йилларга кечиктириши жоиз, деб айтганлар. Бунга, Пайғамбаримиз Муҳаммад (сав) ҳаж фарз бўлган йили ўзлари ҳажга бормай, ўринларига Абу Бакр Сиддиқ (рз.)ни юборганликлари ва ўзлари эса умрларининг охириги йилида ҳаж қилганлари ҳақидаги ривоятни далил қилиб келтирганлар.

Маълумки, ҳаж амали ҳам молиявий ва ҳам баданий ибодат ҳисобланади. Демак, ушбу ибодатни адо этиш учун кишидан қай даражада молиявий имконият талаб қилинса, шу даражада баданий сихат-саломатлик ҳам талаб қилинади. Ҳанафий мазҳабига оид мўтабар китоблардан саналмиш “Бадонъус санаиъ фи тартибин шароийъ” китобида шундай дейилади: “Ҳажнинг фарз бўлиш шартларидан бири баданнинг соғлом бўлишидир... Чунки, Аллоҳ таоло ҳажнинг фарз бўлиши учун истигтоатни шарт қилди. Бу истигтоатдан ҳажнинг фарзлигини зиммага юклайдиган, унинг фарзлигини таъминлайдиган сабаб ва воситаларнинг камчиликлардан холи бўлиши назарда тутилгандир. Ҳаж сафари давомида амалларни мукамал адо этишга монъелик қиладиган офатлардан баданнинг саломат бўлиши мазкур сабаблар жумласидандир. Чунки, ҳаж баданий ибодат. Уни адо этиш учун бадан саломат бўлиши шарт” (4-жуз, 354-бет).

Замонавий тиббиётнинг тавсиясига қараганда Ҳаж ва Умра зиёратига боришга тўсқинлик қиладиган касалликларнинг турлари

қуйидагилар:

1. Юракнинг ишемик касалликлари:

- ўткир миокард инфаркти, инфарктдан кейинги бир йил мобайнидаги ҳолат;
- ностабил стенокардия;
- қон айланишининг 2-3-даражали етишмовчилиги;
- юрак ритмининг тез-тез пароксизмал бузулишлари.

2. Юрак туғма ва орттирилган нуқсонлари декомпенсация босқичида, қон айланишининг 2-3-даражали етишмовлиги билан.

3. Мия қон айланишининг ўткир бузилишидан кейинги бир йил мобайнидаги ҳолат.

4. Энцефалопатия ва деменция билан кечувчи хафақон (гипертония) касаллиги.

5. Хавfli ўсмалар, тарқалган формалар.

6. Фаол сил касаллиги.

7. Жигар циррози - декомпенсация босқичидаги ва энцефалопатия белгилари билан кечувчи.

8. Рухий касалликлар (шизофрения, психоорганик синдром, деменция ва бошқалар).

9. Ўпканинг сурункали обструктив касалликлари, нафас етишмовлиги 2-3-даражада.

10. Юқумли касалликлар.

11. Гиёҳвандлик.

Маълумки, шариатимиз бандани ҳеч қандай ортиқча машаққатга буюрмайдиган, енгиллик яратиб берувчи мўътадил шариатдир. Хусусан, ҳаж ибодати борасида ҳам шариатимизда шундай йўл тутилган. Юқорида санаб ўтилган ҳаж ибодатини бажаришга монёълик қилувчи касалликлар туфайли банданинг зиммасидан ушбу ибодат соқит бўлади. Молиявий имкониятга эга, бироқ соғлиги яхши бўлмаган ёки кексайиб қолган кишилар ўринларига “ҳажжи бадал” қилдириш билан ушбу ибодатнинг савобини топишларига шариатимизда йўл берилган.

Бинобарин, ислом уламолари ҳаж қилишга соғлиги кўтармайдиган кишиларнинг ўрнига бошқа кишилар ҳажжи бадал қилиши мумкин, деб фатво берганлар. Бундан ташқари ҳаётлик даврида турли сабабларга кўра ҳаж ибодатини бажара олмай вафот этган кишилар ўрнига ҳам бошқалар томонидан ҳажжи бадал қилиш мумкинлиги ҳақида ҳам фатволар бор бўлиб, бунинг далили сифатида қуйидаги ҳадис келтирилади:

: ﷺ ﺭﻭﻭﻳﺎﺕ ﻗﯩﻠﯩﻨﯩﺸﯩﭽﺎ، ﺟﯘﮬﺎﻳﻨﺎ ﻗﺎﺑﯩﻼﺳﯩﺪﺍﻥ ﺑﯘﻟﻤﯩﺶ ﺑﯩﺮ ﺁﻩﻝ ﭘﺎﻳﻐﺎﻣﺒﺎﺭ (ﺍ.ﺳ.)ﻧﯩﻨﮕ ﮬﯘﺯﯗﺭﻻﺭﯨﻐﺎ ﻛﻪﻟﯩﺐ: “ﻭﻧﺎﻡ ﮬﺎﺟ ﻗﯩﻠﯩﺸﻨﻰ ﻧﺎﺯﺭ ﻗﯩﻠﮕﺎﻥ ﺍﺩﯨﻼﺭ. ﺁﻣﻤﻮ، ﮬﺎﺟ ﻗﯩﻼ ﺍﻟﻤﺎﻱ ﻭﺍﻓﻮﺕ ﺍﺗﺪﯨﻼﺭ. ﻣﻪﻥ ﻭﻧﺎﻣﻨﯩﻨﮕ ﻧﻮﻣﯩﺪﺍﻥ ﮬﺎﺟ ﻗﯩﻠﺴﺎﻡ ﺑﯘﻻﺩﯨﻤﻰ? - ﺩﻩﺩﻯ. ﺭﺍﺳﯘﻟﯘﻟﻠﻮﮬ (ﺳﺎﻭ): “ﮬﺎ، ﯘﻧﯩﻨﮕ ﻧﻮﻣﯩﺪﺍﻥ ﮬﺎﺟ ﻗﯩﻞ. ﺁﻏﺎﺭ ﻭﻧﺎﻏﻨﯩﻨﮕ ﺯﯨﻤﻤﺎﺳﯩﺪﺍ ﻗﺎﺭﺯﯨ ﺑﯘﻟﮕﺎﻧﯩﺪﺍ ﯘﻧﻰ ﯘﺯﯗﻭﭼﻰ ﺑﯘﻟﺪﯨﺮﻣﯩﺪﯨﻨﮕ? ﺁﻟﻠﻮﮬﻨﯩﻨﮕ ﮬﺎﻗﻘﯩﻨﻰ ﺍﺩﻭ ﺍﺗﯩﻨﮕ. ﺩﺍﺭﮬﺎﻗﯩﻘﺎﺕ، ﺁﻟﻠﻮﮬ ﺑﯩﺮﯨﻨﭽﻰ ﯘﺭﯨﻨﺪﺍ ﻭﺍﻓﻮﻏﺎ ﮬﺎﻗﻠﯩﺪﯨﺮ” - ﺩﻩﺩﯨﻼﺭ.

ﯘﺑﻪﻛﯩﺴﺘﻮﻥ ﻣﯘﺳﯘﻟﻤﻮﻧﻼﺭﻯ ﺍﻳﺪﻭﺭﺍﺳﻰ ﯘﻟﺎﻣﻮﻻﺭ ﻛﻪﻧﮕﺎﺷﻰ ﻳﯘﻗﻮﺭﯨﺪﺍﻏﻰ ﮬﻮﻻﺗﻼﺭﺩﺍﻥ ﻛﻪﻟﯩﺐ ﭼﯩﻘﯩﺐ، ﮬﺎﺟﮕﺎ ﺑﻮﺭﯨﺶ ﺗﺎﺭﺍﺩﺩﯗﺩﯨﺪﺍ ﺑﯘﻟﮕﺎﻥ ﮬﺎﺭ ﺑﯩﺮ ﻛﯩﺸﻰ - ﮬﺎﺟﮕﺎ ﺑﻮﺭﯨﺶ ﻣﯘﻣﯩﻦ-ﻣﯘﺳﯘﻟﻤﻮﻥ ﻛﯩﺸﻰ ﯘﭼﯘﻥ ﯘﻣﺮ ﺩﺍﻭﻭﻣﯩﺪﺍ ﺑﯩﺮ ﻣﺎﺭﺗﺎ ﻓﺎﺭﺯ ﺍﻧﻐﺎﻧﻠﯩﻐﻰ، ﯘﻧﻰ ﺍﺩﻭ ﺍﺗﺘﻪﻥ ﮬﻮﺟﯩﻼﺭ ﺑﻮﺭﻣﺎﻏﺎﻧﻼﺭﻏﺎ ﯘﺭﯨﻦ ﺑﻪﺭﯨﺸﻰ، ﺍﻳﺸﻼﺭ ﯘﺯ ﻧﺎﻭﺑﺎﺗﻼﺭﯨﻨﻰ ﺍﻳﺸﻰ ﻛﺎﺗﺘﺎﻟﺮﯨﻐﺎ ﺑﻪﺭﻣﻮﻗﻼﺭﻯ ﯘﻟﻜﺎﻥ ﺳﺎﻭﻭﺏ ﺍﻛﺎﻧﻰ، ﺑﯘ ﺳﺎﻓﺎﺭﮒﺎ ﺗﯩﺠﻮﺭﺍﺕ ﺍﻛﺎ ﺳﺎﻋﻪﮬﺎﺕ ﯘﭼﯘﻥ ﺍﻣﺎﺳ، ﺑﺎﻟﻜﻰ ﺯﯨﻤﻤﺎﺩﺍﻏﻰ ﻓﺎﺭﺯﻧﻰ ﺍﺩﻭ ﺍﺗﯩﺶ، ﮔﯘﻧﻮﮬﻼﺭﺩﺍﻥ ﭘﻮﻛﻼﻧﯩﺐ ﻛﻪﻟﯩﺸﻨﻰ ﻧﯩﻴﺎﺕ ﻗﯩﻠﯩﺶ ﻛﻪﺭﺍﻛﻠﯩﻐﻰ، ﻣﯘﺗﺎﺧﺎﺳﺴﯩﺴﻼﺭ ﺗﻮﻣﻮﻧﯩﺪﺍﻥ ﮬﺎﺟ ﺍﻣﺎﻟﻼﺭﯨﻨﻰ ﺍﺩﻭ ﺍﺗﯩﺸﮕﺎ ﺳﻮﻏﻠﯩﻐﻰ ﻳﺎﺭﺍﻣﺎﺳﻠﯩﻐﻰ ﮬﺎﻗﯩﺪﺍ ﮬﯘﻟﻮﺳﺎ ﺑﻪﺭﯨﻠﮕﺎﻥ ﻛﯩﺸﻰﻟﻪﺭ ﯘﺭﯨﻨﻼﺭﯨﻐﺎ ﮬﺎﺟﮕﺎ ﺑﺎﺩﺍﻝ ﻗﯩﻠﺪﯨﺮﯨﺶ ﺭﻭﻗﺎﻟﻰ ﯘﺷﺒﯘ ﺍﻳﺒﻮﺩﺍﺗﻨﻰ ﺍﺩﻭ ﺍﺗﯩﺸﻼﺭﻯ ﻣﯘﻣﻜﯩﻨﻠﯩﻐﻰ ﻛﺎﺑﻰ ﺗﺎﺭﺗﯩﺐ-ﻗﻮﻳﺪﺍﻟﺮﯨﻐﺎ ﺭﯨﻮﺍ ﻗﯩﻠﯩﺸﻰ ﻟﻮﺯﯨﻢ ﺩﻩﺏ ﺑﯩﻼﺩﻯ.

“ﮬﺎﺭ ﻗﺎﻧﺪﺍﻱ ﻳﺎﺧﺸﻰ (ﺳﺎﻭﻭﺑﻠﻰ) ﺍﻳﺶ ﻗﯩﻠﺴﺎﻧﮕﯩﺰ، ﺍﻟﺒﺎﺗﺘﺎ، ﯘﻧﻰ ﺁﻟﻠﻮﮬ ﺑﯩﻠﯘﺭ”، ﺩﻩﻏﺎﻥ ﺍﻳﺘﯩﺪﯨﮕﺎﻥ ﻛﻪﻟﯩﺐ ﭼﯩﻘﯩﺐ، ﯘﺳﯩﮕﺎ ﺗﯘﻕ ﻛﯩﺸﻰﻟﺮﻧﯩﻨﮕ ﻗﺎﻳﺘﺎ-ﻗﺎﻳﺘﺎ ﮬﺎﺟﮕﺎ ﺑﻮﺭﯨﺶ ﯘﺭﻧﯩﻐﺎ ﻣﺎﺑﻼﻏﻼﺭﯨﻨﻰ ﺍﺗﯩﻢ-ﻋﺴﯩﺮ، ﻛﺎﻡ ﺗﺎﻏﻤﯩﻨﻼﻧﮕﺎﻥ ﺍﻳﺸﻼﺭﻏﺎ، ﯘﻣﯘﻣﮕﺎﻟﻘ ﻣﺎﻧﻔﺎﺍﺗﻰ ﻳﯘﻟﺪﺍ ﯘﺯﻟﺮﯨﻨﯩﻨﮕ ﻧﻮﻣﺎﻱ ﺍﻣﺎﻟﻼﺭﯨﻐﺎ ﺳﺎﺩﺍﻗﺎﻱ ﺟﻮﺭﯨﻴﺎ ﺑﯘﻟﯩﺐ ﺍﻳﺰﯨﻼﺩﯨﻐﺎﻥ ﺍﻳﺸﻼﺭﻏﺎ ﺳﺎﺭﻓﻼﺷﻼﺭﻯ ﺍﻳﻨﻰ ﻣﯘﺩﺩﺍﻭﺩﯨﺮ.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси

Ko'rib chiqildi:

- ﺍﻳﻮﻧﻰ
- ﺗﻪﻟﻪﻓﻮﻥ
- ﺍﻟﻪﻳﺘﯘﺭ

[Vazirlar Kengashi](#) [Statistik va tahliliy ma'lumotlar](#)
[Vazirliklar va idoralar](#) [Shahar va tuman hokimliklari](#)
[Hujjatlar](#) [Respublika mehmonlariga](#) [Elektron](#)

[hukumat](#) [Interaktiv davlat](#)
[xizmatlar](#)